

## ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

Ахроров Адхамжон Асроркул ўғли

Тошкент давлат юридик университети

Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [adxam.axrorov@mail.ru](mailto:adxam.axrorov@mail.ru)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10628526>

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда экологик назорат, хусусан, давлат экологик экспертизасининг тутган ўрни катта ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда давлат экологик назоратини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ҳамда такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 541-сон қарори соҳани рақамлаштириш ва инсон омилини камайтиришга хизмат қилди. Ушбу фармондан келиб чиқиб, 2020 йилнинг 1 октябридан [eco-service.uz](http://eco-service.uz) веб-сайти орқали давлат экологик экспертизасини ўтказиш рақамлаштирилиб, электрон ҳужжат алмашинувининг ягона тизими ишга туширилди. Мазкур ягона тизимга ҳудудий давлат экологик экспертизаси марказлари интеграция қилиниб, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб, яъни маҳаллий таъсир кўрсатадиган фаолият турлари бўйича электрон анкета шаклида аризани тўлдириш дастурий ечимлар амалга оширилди. Бунинг натижасида буюртмачиларга шахсий кабинетда тегишли йўриқномага амал қилиб, осон, қийинчиликсиз давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун аризани юборишига барча дастурий қулайликлар яратилди. Шунга қарамасдан, давлат экологик экспертизасини ўтказишда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, давлат экологик экспертизасини ўтказиш юзасидан ваколатли органларнинг молявий ва ташкилий жиҳатдан мустақил эмаслиги ўтказилаётган экспертиза хулосаларининг объективлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давлат экологик экспертизаси марказининг статистик маълумотларига кўра давлат экологик экспертизаси маркази томонидан 2021 йилда 15 057 та хулоса берилган бўлиб, шундан 14 845 та ижобий, 212 та салбий, 2022 йилда жами 19 304 та, шундан 18 798 та ижобий, 223 та қайта ишлаш учун қайтарилган ва 283 та салбий, 2023 йилда 18 989 та, шундан 18 289 та ижобий, 475 та қайта ишлаш учун қайтарилган ва 225 та салбий хулоса берилган<sup>1</sup>.

Мазкур статистик маълумотлар Давлат экологик экспертиза марказлари томонидан келиб тушган мурожаатларнинг 99 фоиздан кўپига ижобий хулоса берганлигини ва уларнинг фикрича, ариза билан мурожаат қилган субъектлар томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият атроф-муҳитга таъсир қилмаслигини кўрсатади. Лекин бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд экологик вазият эса бунинг акси эканлигига ишора қилади. Чунки ҳавонинг ифлосланиши, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи заррачаларининг ҳаддан ташқари ошиб кетиши кузатиляпти.

<sup>1</sup> <https://eco-service.uz/sys/statistics?dateBegin=01.01.2021&dateEnd=31.12.2021&regionId=>

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги экологик вазият соҳада қатъий чораларни кўришни талаб қилади. Акс ҳолда экологик инқироз ва унинг оқибатлари мамлакатнинг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, давлат экологик назоратини амалга ошириш ваколатини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат бошқарув органларидан мустақил бўлган идора томонидан амалга оширилишини таъминлаш лозим. Ушбу фикримизни қуйидаги мисол ёрдамида асослашга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси давлат муассасаси 2023 йил 20 декабрь куни давлат экологик экспертиза хулосасини олиш учун “Давлат экологик экспертизаси маркази” Тошкент шаҳар филиалига мурожаат қилган ва марказ томонидан 27 декабрь куни ижобий хулоса берилган. Мазкур ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг молиявий ва ташкилий таъсири мавжудлиги марказ томонидан салбий хулоса бериш имкониятини кескин камайтиради. Шу сабабли, давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг объективлигини таъминлаш, иқтисодий фаолиятни экологиядан устун қўйишнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизаси ижро ҳокимияти органларидан тўлиқ мустақил бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Президентига ҳисобдор бўлган тузилма томонидан амалга оширилиши лозим.

Назорат қилувчи органнинг ташкилий асосларини таҳлил қилган А.К.Галиченко назорат органи ўзига юкланган вазифаларни фақат ўзи текширадиган ташкилотлардан мустақил бўлган ва ташқи таъсирлардан ҳоли бўлган тақдирдагина холис ва самарали ҳал қила олишини таъкидлайди<sup>2</sup>.

Е.Пирогова ҳам ўз илмий ишларида ушбу фикрни тўлиқ қувватлайди ҳамда назоратни амалга оширувчи органнинг мустақил бўлиши лозимлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Юқорида амалга оширилган таҳлил асосида “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун 13-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги ҳолда таҳрир қилишни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз: “Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат экологик назорат инспекцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат экологик назорат инспекцияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат экологик назорат инспекцияларининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади”.

Атроф муҳитга зарар етказаётган асосий муаммолардан яна бири давлат экологик экспертизаларни амалга ошириш амалиёти билан боғлиқ ҳисобланади. “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонун 20-моддасига мувофиқ давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича хулоса тузилиб, у давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаларни ўз ичига олган бўлади. Яъни экспертиза хулосаси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Ўтказилган экологик экспертиза хулосалари таҳлили манфаатдор шахсларга тақдим этилган экспертиза хулосаларининг аксарияти хулосада келтирилган муайян

<sup>2</sup> Қаранг: Е.Пирогова. Правовые и организационные основы деятельности федеральных органов исполнительной власти в сфере природопользования и охраны окружающей среды. Дисс. к.ю.н., - М.:2010, с 142.

<sup>3</sup> Е.Пирогова. Правовые и организационные основы деятельности федеральных органов исполнительной власти в сфере природопользования и охраны окружающей среды. Дисс. к.ю.н., - М.:2010, с 142.

талабларни бажариш шarti билан экспертиза маркази томонидан маъқулланишини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, экспертиза хулосалари беришнинг ушбу амалиёти нотўғри ҳисобланади ва уни декларатив характерига айлантириб қўяди. Чунки экспертиза хулосасининг муайян талабларни бажариш шarti билан бериши, мазкур хулосани берган экспертни вужудга келиши мумкин бўлган турли низолардан ҳоли бўлишига хизмат қилади ва буни кафолатлайди. Шу билан бирга, барча жавобгарлик манфаатдор шахс зиммасига юклатилади. Шу сабабли, экспертиза хулосасини беришда, амалга оширилиши режалаштирилаётган фаолият қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб бермаган тақдирда салбий хулоса бериш лозим. Манфаатдор шахслар салбий хулосада келтирилган талабларни бажарганларидан кейингина ижобий хулоса бериш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Акс ҳолда экологик экспертизанинг ижобий хулосасини олган манфаатдор шахслар томонидан хулосада келтирилган шартларни бажармаслиги оқибатида табиатга катта зарар келтиришини бугунги кун амалиёти кўрсатмоқда.

### References:

1. Е.Пирогова. Правовые и организационные основы деятельности федеральных органов исполнительной власти в сфере природопользования и охраны окружающей среды. Дисс. к.ю.н., - М. 2010, с 142.
2. “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон.
3. “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 541-сон қарори// Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2023 й., 07/23/422/0994-сон.